



# “ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

“ЯШИЛ МАКОН” ДОИРАСИДА  
ОЛТИ ОЙДА МАҲАЛЛАЛАРДА  
26 МИЛЛИОН 349 МИНГ  
ТУП КЎЧАТ ЭКИЛДИ,  
2 МИНГ 312 ТА “МАҲАЛЛА  
БОФИ” ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИННИГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 ЙИЛ  
16 НЮЛЬ,  
ЧОРПАНБА

# Mahalla

№57  
(2281)

www.UZMAHALLA.UZ

## МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

### ДИҚҚАТ, ШОШИЛИНГ!

“Mahalla” газетаси ва  
“Mahalla ko‘zgusi” журналига  
ОБУНА БОШЛАНДИ!

Ҳар икки нашримиз 2026 йил  
давомида Сизга энг яқин ва  
ишончли ҳамроҳ, ҳуқуқий  
маслаҳатчи ва илғор тажрибалар  
майдони ҳамда ошкора мулоқот  
минбарига айланади.

ОБУНА БЎЛИНГ ВА УНУТМАНГ —  
“МАҲАЛЛА”НИ ҲАР КУНИ ВА  
ҲАР ДОИМ ҲАР БИР РАИС  
ҮҚИШИ КЕРАК!



Ха,  
айтганча,  
ҳар иккала  
нашринг  
обуна нархи  
ўзгармаган.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:  
71 233-39-89, 71 233-10-92



## МАҲАЛЛАЛАР ИШСИЗЛИКДАН, КАМБАҒАЛЛИКДАН, ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАРДАН ХОЛИ ҲУДУД БЎЛАДИ

**II** резидентимиз ташаббуси билан камбағаллини кисқартириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандликни таъминлаш, ижтимоий химоя, фуқароларга ўз қобилиятини юзага чиқа-

ришга кўмаклашиш борасидаги барча сайдаралар айнан маҳалла дарражасида ташкил этилаётгани бежиз эмас. Зотан, маҳалла фоёллари худуддаги қайси оиласининг қандай шароитда яшаётгани, кимнинг нимага муҳтоҷлигини яхши билади.

Жорӣ йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида амала оширилган ишлар таҳлилига назар ташласак, Узбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси, “маҳалла етилиги” сайдараллари билан соҳада катор ижобий ўзгаришларга эришилга-

ни оидинлашади.  
Этибор беринг, ўтган давер мобайнинда маҳалланда ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича 2,4 миллион нафар ишсиз аҳоли даромадли меҳнат билан таъминланди.

Давоми 2-саҳифада.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

## “ОБУНАГА УНДАШ ШАРТ ЭМАС, ЎЗИМИЗ МУТОЛААГА МУШТОҚМИЗ”



Аҳатилла РАҲМАТОВ,  
Юнусобод туманиндағи  
“Билалур” маҳалласи раиси:

— Катта авлод вакиллари яхши билишади, авваллари ҳар бир хонадонда газета, журнал бўлганд. Ишхона, мактаб ва институтда ҳар доимига ҳамроҳизмат матбуот кисблланган. Шу нарсан аниқ биламанки, матбуотга ошно бўлган кишидан ҳеч қачон ёмонлик чикмаган, ёмон иллатларга яхин йўлмаган. Матбуот бизни тарбиялаган, сабоқ берган, ўргатган.

Газета-журнал ўқимасликин андоза килмаслик керак. Айнисса, ҳозирги таҳликалар дунёда. “Mahalla” газетаси — доимо менинг кўлимда. Ахир раис маҳалланинг боши санаалар экан, биз барча ходисалардан хабар-

дор, ҳуշёр бўлмоғимис лозим. Севимли нашримиз мутолааси айни шу максадга хизмат килади. Бизни обуна бўлишга ундаш шарт эмас, ўзимиз мутолаага муштоқ бўлганимиз учун ҳам обуна бўлмаз.

Фаолиятим давомида қайдир масалада ўйлансан, қўйналсан ёки иккиласан, дарров газетага юзланаман. Ундан ўзимга керакли жавобни топаман. Тизимга оид, ҳуқуқий соҳаларга доими билимларимни айнан севимли нашрим орқали бойитиб бораман. Обунага сарфлаган пулим ўзимга иккича ортиғи билан қайтишига ишонаман.

## Дастур доирасидаги ишлар таҳлил қилинди

Ўзбекистон  
маҳаллалари  
уюшмаси ра-  
иси Қаҳрамон  
Куронбоев  
бошчилигидаги  
ишичи гурӯх  
Самарқанд  
вилоятида кенг  
кўлмали чора-  
тадбирларни  
амалга оши-  
япти.

Ишичи гурӯх ҳафта давомида Са-  
марқанд шаҳар ва Пахтаки туманинда  
ахолининг яшаш шароити, уларни  
майлларни ўрганиб, ечимига ўру  
каратди. “Камбағаллицидан фаровонлик  
сарі” дастури асосида маҳаллаларда  
ўйма-ўй юриб, фуқаролар билан учраш-  
ди, одамларни бокимандалик кайфия-  
тидан қичариш борасида олиб борила-  
ётган ишлар холати таҳлил қилинди.

Қаҳрамон Куронбоев аҳолига кулай

хизматлар кўрсатишни йўлга кўйиш  
максадида Пахтаки туманида ташкил

етилган “Ислоҳотлар штаби” фаoliyati-  
ни кўздан кечирди. Йирик лойиҳалар холи  
ҳамда туманинг ишсизликдан холи


уюшма кундалиги

### БУГУНГИ СОНДА:

Энг обод  
маҳаллага  
100 миллион сўм  
мукофот

“Йиғинда одамлар азалдан ободликка, саришталика жийдий ётибор каратади. Маҳалладаги олтида кўчадаги хонадонларга кирган кишининг файзу тароватдан баҳри-дили очилади. Маҳалламида саришталик танлов учун эмас, ийл бўйи бу манзара сақланиб турилади.”

2-с.



### Розилиги бўлмаса, никоҳ дуруст бўлмайди


Ота-онанинг вазифаси  
фарзандини бойлик, мансаб  
ёки бошқа фарзандлар сабаби  
кўр-кўронда уйланиш ёки  
эрға тегига мажбурлаш  
эмас, балки фарзандига  
жуфт бўлаётган йигит ёки  
кизнинг диенати, хулк-  
одобига ва қасб-хунарига  
этибор қилишдир.

8-с.





**Вазирилик ва идораларнинг  
ҚАРОР ҚАБУЛ  
КИЛИШДАГИ  
МУСТАКАИЛЛИГИ**  
оширилади, улар  
“проактив” фаолият  
юритиши учун  
имкониятлар  
кенгайтиради.



**Эндилиқда идоралар  
ўзларига тегиши соҳани  
мустақил тартибга солиш  
ваколати доирасида  
НОРМАТИВ-ХУҶАЙ  
ХУҶАТЛАР қабул  
қила олади.**



**Ҳукумат ижро аппарати  
ва ижро этувчи  
органларнинг  
ШТАТ-ТУЗИЛМАЛАРИ  
ҚАЙТА КЎРИБ  
ЧИҚИЛАДИ ва  
мақбулаштирилади.**

**ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ**

## Ҳатто кичик лойиҳа ҳам илғор тажрибага асосланади



“Журён” маҳалласининг асосий “драйвер”и – картошқачилик ва чорвачилик. Миндан ортиқ хонадон эгалари эрта баҳорда томорқа ер майдонларига картошка экишади. Биринчи ҳосилни йиғиб олгач, унинг жойига шоли кўчатлари қадашади. Ҳар бир хона-донда ўн бошгacha қорамоли бор. Улар бўрдокчилик асосида гўшт этишириб, оиласига қўшимча даромад келтирипти.

**Файрат САЛАЕВ,  
Хива туманидаги “Журён”  
маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

**М**ахалла худудидан ўтучи “Урганч-Янгиарик” йўли бўйида автотранспортларга техник хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари хамда савдо дўконлари ташкил этилиб, янги иш ўрнлари яратиди. “Барака неварлари” тикувчилик цехи курилиб, 50 нафардан ортиқ ишсиз

аёлнинг бандлиги таъминланди. Бу ерда ярим тайёр троқотак маҳсулотлари келтирилиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади.

Бугун расмий ишсизлар сони 289 нафардан 119 нафарга тушди. Уларнинг бандлигини таъминлаш учун кизиқиши ва қобилиятларига қараб, турли йўналишиларда имтиёзли кредит ва деҳкончилик қилишлари учун ер ахлатиб берилади. Жумладан, 41 та оиласига тикув машинаси, 10 та хонадонга иссикхона куриб берилди.

450 та хонадоннинг ҳар бирiga 100 тадан жўжа таркабилди. 9 нафар фуқарога қишлоқ хўжалиги техникиси сотиб олишга, 2 нафарига асаларичилик, 2 нафарига курилиши материяллари ишлаб чиқариши учун имтиёзли кредитлар ахратиди. 141 нафар ишсиз фуқарога 10-30 сотихдан ер майдони ахратилиб, даромади килинди.

Якнда яна бир ишсиз фуқаро – Муниса Исоилова ўзини ўзи банд қилган холда

банкдан 100 миллион сўм кредит олиб, торт ва турил пишириклар тайёрлашни бошлиди. Сардор Давлетов эса 35 миллион сўмнигина имтиёзли кредит хисобига 32 та эчки сотиб олиб, чорвачилик билан шуғулланади.

Бугун аксарият фуқаролар янги Урганч шаҳрининг курилиш ва бунёдкорлик ишларида меҳнат килияти. Ҳатто миграциядан қайтиб келган 52 нафар фуқаро ҳам шу ерда банд. Кувонарлиси,



юртимида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида курилиш соҳасида ўз ишининг устасига айланган фуқаролар ишсиз колмаяти. Улар четта чикмасдан ҳам шу ерда яхши даромад топлатти. Ҳозирда ишсиз фуқароларни оддий ишларга эмас, балки Европа давлатларида юкори даромади ишларга юбориши учун чет тили ва касб бўйича ўқитапмиз.

**66**  
**Асосий вазифамиз – ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш билан бирга, ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини яхшилашдир.**

Шу боис 21 километр ичмиллик сув тармоғи тортили. 141 та электр таянч устуни, 4 та янги трансформатор, шундан биттаси ахоли маблағлари хисобидан ўрнатилди. 35 та хонадонга кўёш панеллари кўйилди. Ахолининг ташаббускорлиги, бирдамлиги эвазига “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида 13 марта голиб бўйдик. Натижада 13 километр ички кўчалар асфалтланаби, 3 километр кисми шаглаштирилди. 26-умумталим мактаби тўлиқ кайта таъминаланди.

Президент ташаббуси билан “Лойиҳа менежерлар гурухи” ташкил этилиб, унга 50 нафар лойиҳа менежери, янни илғор ҳоким ёрдамчиси кирилтилган. Уларнинг ҳар бирига республикадаги 71 та тумандаги 1 024 та “оғир” тоифадаги маҳаллалардан 3-4 таси биректирилган. Ҳар ой қўшимча равишда 20 кун Бойсун туманидаги “Бошработ” ва “Чилонзор”, Бандиҳон туманидаги “Лимонзор” ва “Полвонтош” маҳаллаларида камбағалликни қисқартириш бўйича ишлайман. Мақсад – илғор тажрибалар асосида кичик лойиҳаларни амалга ошириш орқали маҳаллани “оғир” тоифадан чиқаришид.

**ДАРОМАД МАНБАИ**

## ТОМОРҚАДАН КЕЛГАН БОЙЛИК – БАРАКАДИР

Ўзбек ҳалқида азалдан ердан унумли фойдаланиш ањанаси мавжуд. Шу боис бугун юртошларимиз ҳар қарич ерга кўчтади қадаб, оиласининг фарон, дастурхонининг тўкин бўлиши учун меҳнат қўймокда. Зоро, томорқа – хонадон бойлиги.



**Нигина ШОЕВА,  
журналист.**

**В**азирлар Мажкамасининг “Ахоли томорқалари ва дехқон ҳўхаликлиари ер майдонларидан самарали фойдаланиша доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги карорига мувоғиғ, Шўрча тумани ташаббуслар билан майдонга чиқди, десак муболага бўймади.

Тумандаги “Жойилма”, “Баҳштепа-1”, “Ойнакүл”, “Толли” маҳаллаларидан сув танқислиги туфайли йилига бир марта ҳосил олинарди. Шу боис иккита кудуқка кўёш панеллари ўрнатилди. Эндилиқда ушбу ҳудудда яшовчи фуқаролар томорқасидан самарали фойдаланиб, йилига 3-4 марта табобатда ҳосил олиш учун ҳаракат қилиялди.

– Томорқа бўлганга кони фойда, – дейди Шўрча туманидаги “Толли” маҳалласида яшовчи Мамади Худойназаров. – Ерни қанча асрар, парвариши килсан, дастурхон шунча тўқин, хонадон обод бўйдади. Буз ҳам оиласиз билан ишлайданимиз сари даромадимиз ошиб, тўйлар қилиялмиз, фарзандларимизни ўқитяпмиз. Тўғри, ишлар кўчлиги сув муммом бўлгани учун бунча эътибор бермасди. Якинда иккита қўйук қазилиб, кўёш панеллари ўрнатилило. Энди томорқамиздан самарали фойдаланиб, йилига 3-4 марта табобатда ҳосил олиш учун ҳаракат қилиялди. Аслида, даромад ҳам, барақа ҳам ўз хонадонимизда.



Баъзи хонадонлар сув йўклиги боис томорқадан умуман фойдаланмай қўйди. Ер унумдор бўлишига қараемай, хеч нарса экилмасди. Муаммо ҳал этилгач, ҳар бир хонадон вакили томорқачилик маданиятини юксатириши, хонадонни обод килиш, турмуш шаронтини яхшилашга интилоқда.

– Маҳалламиздаги 1 333 та оиласа 4 781 нафардан зиёд ахоли истикомат килади, – дейди “Толли” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Шерали Каримов. – Ҳудо “драйвер” – дехқончилик ва чорвачилик бўйиб, хонадонларнинг 95 физи томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишиширади. Қарийб уч йил давомида 121 нафардан ортиқ фуқарога тадбиркорлики ривожлантириши ва қўшимча даромад топиш максадиди 3 миллиард 9 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиди. Йил якунигача яна дехқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар берилади. Ҳозирда хонадонларда иссиқхоналар курилиб, ўй бўйи маҳсулот етишишишига эътибор қараштирилти. Бугунги кунда маҳалла-да 70 га якн иссиқхона мавжуд бўлса, уларнинг 15 таси жорий йўлнинг ўтган давомида ташкил этилган.

Дехқончиликнинг хадисини олган шу ерлик Аҳмад Кўзимуродов фурсатни кўйлан бой бермай, қатдек ерни бўш қолдирмай, экин экиб, яхшигина даромад олиши бошлади. Шу каби тиришқоқ ва меҳнатсевар юртошларимиз бор экан, ҳамиша дастурхонимиз тўқин, хонадонларимиз фарон бўлади.

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

Ферузаҳон СОБИРОВА. Урганч тумани:

– Кам таъминланган оиласига болалар нафақаси ва моддий ёрдамнинг ҳар ойлик миқдори ошдими?



## Ким қанча болалар нафақаси олади?

Жўрабек ҚАЛАНДАРОВ,  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги  
Хоразм вилояти бошқармаси шўбъа мудири:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармонига кўра, кам таъминланган оиласига тайянланадиган болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори ошириди.

Унга кўра, 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанд учун – 360 000 сўм, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанд учун – 275 000 сўм, оиласига иккинчи фарзанди учун – кўшимча 165 000 сўм, оиласига учунни ва ундан кейнинг ҳар бир фарзанди учун – кўшимча 110 000 сўм этиб белгиланди.

Эндилиқда кам таъминланган оиласига моддий ёрдамнинг ойлик миқдори – 420 000 сўмни ташкил этади.

**МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?**

## Кўмакнинг тоифаси кўп, натижаси битта — бандликни таъминлаш

**“Аёллар дафтири”  
хотин-қизлар бандлигини  
таъминлашда, уларнинг ўз  
иши ва да-  
ромадига эга  
бўлишларida  
энг самара-  
ли амалиёт  
хисобланади.  
Хонқа тума-  
нида бу бора-  
да эришилган  
натижалар  
куп.**



**Латофат ЮСУПОВА,  
Ўзбекистон маҳаллалар уюмаси Хоразм  
вилояти бошқармаси матбуот котиби.**

Биргина “Барқамолик” маҳалласи 111 нафар аёл мазкур ижтимоий дафтарга кирилтилган бўллиб, уларга турли тоифа ва йўналишларда амалий кўмак берилади.

Жумладан, Мухайё Ёқубова тадбиркорлик килиши истагини билдирган эди. Унга аёллар ва болалар массажи мутахассислиги доирасида иш бошлаши учун имтиёзли кредит ахратиди. Натижада бугун маҳалла ахли саломатлигини

тиклаш учун узоқка бормайди. Бу маскан вакт ва йўл масаласида ахоли учун кулагай ечим бўлди. Бу ерда аёллар ва болалар массажи учун кулагай шароит, тиббий мулажалар мавжуд. Нафакат маҳалла ахли, балки кўшни ҳудудлардан ҳам хизматдан фойдаланиш истагини билдираётгандар анчагина.

Бу каби чекка ҳудудларда хизмат кўрсатиши фаолиятининг йўлга қўйилаётгани ахоли учун кўплаб кулагай шароитларни яратишга хисса кўшмоқда. Мухайё Ёқубова ташаббуси билан ташкил килинган фаолият фикримизга мисол бўла олади.

"Ташаббусли бюджет"да  
823 ТА МАХАЛЛАГА  
ТАНАФФУС БЕРИЛДИ.  
Улар бунгача иккита  
масум кетма-кет  
ғалаба қозонган.



2025 йилнинг биринчи  
ярмида 9,44 трилион  
сўмлик ИПОТЕКА  
КРЕДИТЛАРИ ажратилди,  
кредит олувчилар сони  
20 фоизга ошиди.



ТАЛЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
БАЗАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШГА оид  
Хукумат қарори  
қабул қилинади.

4

№57 | 2025 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla

## ЖАРАЁН



# Ёшлар халқ хизматида бўлишни бурч, деб билади

Ўзбекистонда Ёшлар куни ҳар йили катта шукух билан нишонланади, йигит-қизларнинг меҳнати, орзу-интилишлари ва саъй-ҳаракатлари қадр топади. Президент Шавкат Мирзиёев ҳар йили ушбу сана арафасида ёшлар билан учрашиб, уларнинг фикрларини тинглайди, таклифларини эшитади, энг муҳими, уларга ишонч билдиради.

Фарид НАЗАРОВ,  
Ижтимоий химоя миллий  
агентлиги Инсон ресурсларини  
ривољлантириш ва ижтимоий  
иш методологияси бошқармаси  
бошлиғи.

Лион доллардан ортиқ маблағ  
ажратилгани ёшларга бўлган этиборнинг яққол исботиди. Ижтимоий соҳа ёш мутахасислари ҳам жамиятимизнинг баркарор келажагини таъминлашда асосий күбублиб хизмат кильмоқда. Маҳаллалардаги 8 496 нафар ижтимоий ходимнинг ҳар тўртничиси – ёшлар эканни дикъатга сазовор! Аниқ ракамлар билан айтганда, 2 397 нафар (18-30) ёш юртимизда ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараённида иштирок этиб, халқка хизмат кильмоқда. Айниска, уларнинг 67 фоизи аёллар экани этиборга молик ҳолат. Бу уларнинг жамиятда ижтимоий ғамхўрлик кўрсатишга бўлган қизикиши ва масулият хисси юкори эканини кўрсатади.

Ёш ходимлар болалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар билан мулокот килди. "Сизлар Ўзбекистон байргини энг юкори чўққи-ларга бўйтишига қодир авлодсиз. Сизлар янги Ўзбекистонни бунёд этувчи олтин авлодсиз, тарихнинг янги саҳифасиниз сизлар ёзасизлар", деган сўзлар ҳар бир ёшининг қалбida кучли ишонч ва масулият тўйғусини ўйтотгани бор ган.

Бугунгич кунда ёшларини имл-

фар, спорт, маданият, тадбиркорлик ва замонавий технологиялар соҳаларидаги юксак мэрардларни забт этиб, халқаро миқёсда Ватанимиз шаънини муносаби ҳимоя кильмоқда.

Айниска, "Бир миллион дастурчи"

лойиҳаси доирасида 325 минг

нафар ёш ўқитилгани, 150 минг

нафар йигит-қиз ҳалқаро тил серти-

фикатига эга бўлгани, стартапларни

кўллаб-кувватлаш учун 145 мил-

бўлса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 27 фоиз, Фарғонада 25 фоиз, Самарқандда 23 фоизни ташкил этмоқда. Бу рақамлар ижтимоий соҳа ёшлар учун нафакат иш жойи, балки ўзини жамиятга фойдалани хис этадиган майдонга айланганини кўрсатади.

Ёшлар фидойилигини давлат

ҳам муносаби қадрламоқда.

2025 йилнинг биринчи ярим йил-

лигидаги ижтимоий химоя тизимида

184 нафар ижтимоий ходимнинг

лавозими оширилган бўлса, улар

орасида кўплаб ёшлар бор.

Жумладан, супервайзерлар,

психологлар, болалар ва ногирон-  
лик йўналишидаги мутахассислар,  
инклузив таълим ва ижтимоий  
тўловлар билан ишловчилар  
орасида кўплаб ёшлар фаoliyat  
кўрсатмоқда. Бу йигит-қизлар  
билимли, замонавий ёндашувга эга,  
энг муҳими, ҳалқ дардини хис эта  
оладиган ижтимоий масулиятга  
эга инсонлардир. Уларнинг аксариya  
ти олий маъмуроти, ҳатто магистр  
даражасидаги мутахассислар бўлиб,  
ижтимоий соҳанини сифат жиха-  
дан янги босқичга чиқishiغا хизмат  
Кильмоқда.

Президентимиз таъкидлагани-  
дек: "Ҳар бир ютуқларнингиз  
– ҳалқимизнинг ютуғидир. Сизлар-  
нинг қатъият ва соглом дунёка-  
нишинг, баҳт ва мувоффакиятнинг,  
бу – ота-оналар, устозлар, яқинла-  
рингизнинг баҳтидир".

Президентимизнинг Ёшлар куни арафасида кабул қилган фармон ва қарорлари ёшларнинг давлат ва жамият хаётидаги фаoliyagini оширишда янада кучли туртки бўлди. Хусусан, бир гурӯҳ инфор ёшлар "Келажак бунёдкори" медали, "Мард ўғлон" мукофоти билан тақдирланди. Айниска, Тошкент шаҳридаги 30-Мехрибонлик уйи тарбиячиси Шерзод Холиковнинг "Келажак бунёдкори" медали билан мукофотлангани ижтимоий хизматдаги ёшларнинг меҳнатини юксак этироф этишадир. Бу мукофот Шерзоднинг фидойилиги, билимга чанқоғлиги ва Ватангага садоқатнинг этирофи сифатида барча ёшларга илхом ва намунаидир.

Дарҳакиқат, бугунги ёшлар – янги Ўзбекистон таянчи. Улар адолатли жамиятда улайған, инсонпарварлик ва ҳалқпарварлик руҳидаги камол томоқда. Шунинг учун улар ҳалқ хизматида бўлишини бурч, деб билади. Бу – миллатнинг энг катта бойлигидир.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан учрашувларда кўп бора қайд этанидек: "Ёшларимиз адолат, инсонпарварлик ва билим билан янги Ўзбекистонни бунёд этмоқда. Ёшларнинг адолатга бўлган ишончи уларни ҳар кандай синовларни енгиг ўтишга ва ҳалқ хизматида фидойилик кўрсатиша үндайди".

## МАХАЛЛАДА НИМА ГАП?

### "ОРЗУЛАРИМ УШАЛГАН МАСКАН"

Яккабоғ туманидаги  
"Истиқбол" маҳалласида  
яшовчи Шаҳобиддин Мелиев  
болалигидан хонаки гулларга  
мехр қўйиб, дарслардан бўш  
вақтида буқет тайёрлаш билан  
шуғулланган ва гулчилик  
сирларини ўзлаштириб келган.  
Бу кизикиш йиллар ўтиб,  
чинакам даромад манбаига  
айланди.



III ахобиддин ўқишини  
тамомланаётган, маҳалла  
ёшлар етакчисининг кўмаги  
билан тадбиркорлик фаoliyatinini  
бошашга қарор килди. Шу  
максадда имтиёзли кредит олиб, ўз  
хөвлисида иссиқхона барпо эти  
ва дастлаб гуллар етиширишига  
киришиди. Вақт ўтиши билан доимий  
мизозлари шаклланди. Ҳозирда  
у вилоятдаги 20 даҳ ортиқ савдо  
дўйконига турли хил даста гулларни  
ётказиб бермоқда. Ойлик даромади  
10-15 миллион сўмни ташкил этиди.

– Эндилиқда фаoliyati мини янада  
кенгайтириб, ховлимида бўш  
жойлардан унумли фойдаланиб, яна  
иккита иссиқхонани кўриши режа-  
лаштирияман, – дейди Шаҳобиддин.  
– Бу орқали ишлаб чиқариладиган  
гуллар ҳажманини ошириб, янги бозор-  
ларга чиқишина масҳад кильманган.  
Энг муҳими, маҳалламиздаги ишсиз  
игиз-қизларни бу соҳага жалб  
килиб, уларни иш билан таъминла-  
мокиман. Уларга ўргатаман,  
тажриба бўлишаман ва даромад  
топишларига кўмаклашаман. Зоро,  
мен хам шу ўйни ўз орзуларимдан  
бўлсанман.

Шаҳобиддиннинг иродаси, из-  
ланиши ва меҳнати кўплаб ёшларга  
ўрнек бўлиши шубҳасиз. У исбот-  
лади: оддий кизиқиши, меҳнат ва  
қатъият билан катта мувоффакият  
сари йўл очиши мумкин.



## МАНЗАРА

# "Талпинган ҳар қўлга ҳунар, ҳар юракка умид берилар"

Ёшлар етакчилиги мен учун янги  
йўналиш бўлганини  
қарамай, шу  
ҳудудда туғилиб  
ўсганим, бу ернинг  
ҳар бир қўчаси,  
оиласи ва ҳар бир  
йигит-қизининг  
шароитини яхши  
билигани учун  
уларга фойдала-  
тегаётганини сезиб  
турман. Бугун  
ёшларнинг ҳар  
томонлама камол  
топиши, жамиятда  
ўрин эгаллаши  
учун астойдил  
ҳаракатдаман.



Ориғали ЭРГАШОВ,  
Узун туманидаги "Эркинлик"  
маҳалласи ёшлар етакчиси.

Иғинимизда 641 на-  
фар ёш истиқомат  
килади. Уларнинг бўш вақтини

мазмунли ташкил этиш, банд-  
лигини таъминлаш, ижтимо-  
ий химояга муҳтоҳ оиласлар  
фарзандларига кўмак бериш,  
энг асосиси – оғир тоифада-  
ги ёшларни ижтимоий ҳаётга  
кайтариш доимо ётиборимиз  
марказида. Саъй-ҳаракатларимиз  
түфайли ёшларнинг эри-

шайтган ютуклари бизни янада  
илхомлантиради.

Масалан, "Беш ташаббус  
олимпиадаси"да катнашган  
Одилжон Сафаров киберспорт  
йўналишида Республика босқи-  
чида 3-йўрни, Бахтиёр Очилов  
армрестлинг бўйича вилоят  
босқицида 2-йўрни кўлга

киритди. Бу каби мувоффаки-  
ятлар йигин ёшлари билимга,  
спорта, маҳоратга интишат-  
ганини, куч-ғайрат ва ироадага  
эга эканини кўрсатади.

Албатта, бу каби ютуқлар  
замирида зарур шароғ ва  
инфраструктурнинг мавжудли-  
ги катта аҳамиятни касб этиди.  
Худудда ёшларнинг соглом  
турмуш тарзини кўлла-куват-  
ловчи инфраструктура яхши ри-  
вожланган. Жумладан, стритбол  
ва воркаут майдонлари, футбол  
стадиони ёшларнинг спорт  
билим мунтазам шуғулланishi  
учун хизмат кильмоқда. Шунинг-  
дек, иккита мактаб ва учта  
мактабчага таълим мусассаси  
орқали ёш авlodдинг таълим  
олиши учун барча шарт-шароит  
яратилган.

Маҳалланинг асосий "драй-  
вери" – деҳқончилик ва боғ-  
дорчilik. Бугун йигит-қизлар  
узумчилик сир-асрорларини ўр-  
ганиб, имтиёзли кредит звязига  
узумлар барпо этмоқда.  
Ҳар бир ховли, кўча узум нави  
билин безалган. Шу соҳада  
даромадга кирган ёшлар сафи  
кенгаймоқда.

Масалан, Обиджон Махмудов  
бундан уч йил аввал 33 миллион  
сўм имтиёзли кредит олиб,  
узумшикни ўтга кўйсанди. Бу  
гун унинг меҳнати натижасини  
куриб, бошқа ёшлар ҳам бу соҳа-  
га кизикмокё. Шу боис биз яна  
17 нафар ёшга кредит олишида  
амалий ёрдам кўрсатади.

Хозирги кунда бешта катта  
ложиҳа устида ши олиб борлар-  
миз. Булар – "Устоз А!", "Ибрат  
фарзандлари", "UzChess", "Муто-  
ла" ва "Қызлар академиси". Бу  
лоjихаларга ёшларни рўйхатта  
олиб, уларнинг билим ва зарур  
кўнингдага эга бўлишларига ин-  
тилямиз. Ўзим ҳам йигит-қиз-  
лар билан биргаликда "Ибрат  
фарзандлари" лойхасида чет  
тилини ўргангиман. Ҳозирда  
70 фоизини ўзлаштиридим, якин-  
да сертификатга эга бўламан.

Ёшлар – эртаниги кун  
пойдедори. Уларнинг ҳар бир ютуғи,  
ҳар бир ташаббуси бизга ва жа-  
миятимизга куч олиб келмоқда.  
Ана шундай эзгу максадлар  
сари ҳалқ билан бирга, ёшлар  
билин елкама-елка ҳаракат  
килиш – менинг энг катта  
баҳтимдир.

66  
Тикувчилик ва гул  
яаш соҳасида  
қизларнинг маҳо-  
рати ётирофга  
лойиқ. Жумладан,  
Гулбахор Тилакова  
ва унинг 4 нафар  
ёрдамчи тикикан  
аёллар кийими  
бугун туманда  
танишади. Ижара  
асосида ташкил  
этилган тикувчи-  
лик цехи орқали  
хозирги кунда  
ойига 10 миллион  
сўмчага даромад  
олишмоқда.



Маъмурий  
хукуқбузарлик  
тўғрисидаги ишларни  
юритиша ХУСУСИЙ  
АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ  
жорий этилади.



Энди пиёда ёки  
автомобилда  
БОЖСИЗ ТОВАР ОЛИБ  
КИРИШ УЧУН фуқаро  
чет элда камид 2 кун  
бўлиши керак.



Ўзбекистонда  
паспорт қоидаларини  
бузганлик учун  
ЖАРИМАЛАР  
МИКДОРИ ОШДИ.

ЭШИДИНГИЗМИ?

## СОЛИҚКА ОИД НИЗОЛАР СУДГАЧА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Президентнинг 2025 йил  
11 июлдаги “Солиқка оид низоларни  
судгача ҳал қилиш механизмларини  
такомилластириши чора-тадбирлари  
тўғрисидаги қарорига асосан,  
Савдо-саноат палатаси хузурида  
солик, иқтиносидёт, молия ва хукуқ  
масалалари бўйича эксперталардан  
иборат Солиқка оид низолар бўйича  
эксперт кенгаши ташкил этилди.



Солик қўмитаси Ахборот хизмати.

### Эксперт кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари:

- тадбиркорлик субъектлари ва солик  
органинг ўргасида юзада келган солиқка  
оид низоларни кўриб чиқиши ва улар юзаси-  
дан хуласалор берни;
- солик қонунчилигига оид норма-  
тив-хукукий хуҷоатлар ва уларнинг  
қўлланисини ўрганиш, шунингдек, хукуки  
кўллаш амалётими сифатини ошириш бўйи-  
ча тақлифлар ишлаб чиши;
- солиқка оид низоларни кўриб чиқишида  
бизнес ҳамкамияти, давлат органлари ва  
ташишларни ҳамда шимий ташишларни  
лар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатниш.

Эксперт кенгаши доимий фаолият  
юритувчи коллегиал орган сифатида  
ташил этилади ҳамда унинг мажлислари  
бир ойда камид icket марта ўтказилади.  
Савдо-саноат палатаси Кенгаши фаолия-  
тими ташкил этиши бўйича иши орган  
хисобланади.

### Эксперт кенгашига қўйидаги ваколатлар берилди:

- солик органларининг қарорларидан  
норози бўлган тадбиркорлик субъектлари-  
нинг мурожаатларини кўриб чиқиши, бундан  
жиноят иши доирасида ёки суд тартиблари  
кўриб чиқлаётган солиқка оид низолар  
мустасно;
- мурожаатларни кўриб чиқиши нати-  
жаси юзасидан хуласа қабул қилиши;
- қабул қилинган хуласалорни маж-  
бурий тартибда кўриб чиқиш учун солик,  
божхона ва тегисили давлат органларига  
юбориш ҳамда бу ёқада тадбиркорлик субъ-  
ектини хабардор қилиши;
- зарур хуҷоатлар ва ахборотларни  
давлат органлари ҳамда бошқа ташиш-  
лардан бепул сўраб олиш, бундан ко-  
нунчилик хуҷоатларни билан тақиланган  
холатлар мустасно.

### Эксперт кенгашига юқлатилган вазифаларни амалга ошириш учун қўйидаги хуқуқлар берилди:

- солик, божхона, иқтиносидёт, молия  
ва хукуқ соҳасида етарили билим, малака  
ва қўнукмаларга эъз бўланнум тутахассис ва  
эксперталари жалб қилиш;
- зарур хуҷоатлар ва ахборотларни  
давлат органлари ҳамда бошқа ташиш-  
лардан бепул сўраб олиш, бундан ко-  
нунчилик хуҷоатларни билан тақиланган  
холатлар мустасно.

Солик қўмитаси солиқка оид низо-  
ларни судгача кўриб чиқиши жараёни  
ракамластирилиши, сунъий интеллект  
технологиялари жорий этилиши ҳамда  
идоралараро электрон маълумот алмаши-  
нуви яхшилини таъминлайди.

Шунингдек, солиқка оид низолар  
кўриб чиқиладиган мажлисларда масо-  
фадан турб иштирок этиши имкониятла-  
ри яратилиб, низоларни судгача кўриб  
чиқишида солик тўловчининг (вакилининг)  
иштирок этишига шарт-шароит яратили-  
шини, жумладан, алоҳида маҳсус ҳоналар  
ташиш этишига масъул хисобланади.

**66**  
Маълумот учун,  
2025 йил 1 июль ҳолатига кўра,  
Солик қўмитасига жами  
1 275,7 миллиард сўмлик  
109 та солик низосига оид  
шикоят келиб тушган. Шундан  
солик аудити бўйича –  
1 109,7 миллиард сўмлик 75 та,  
саёр солик текшируви бўйича  
166 миллиард сўмлик 34 та.

## Ишлайман, деганга имконият, “еттилик”дек яқин кўмакчи ҳам бор

“Цементчи” – мен туғи-  
либ, вояга етган қадрдан  
маҳаллам. Тоҷикистон  
Республикаси билан  
чегарадош ҳудудда жой-  
лашган мазкур маҳалла  
аҳолиси менга, мен эса  
уларга бегона эмас.  
Шу боис “маҳаллабай”  
ишлаш учнчалик қўйинчи-  
лик туғдирмади.

Мадина ХОЛМАТОВА,  
Бекобод шаҳридаги  
“Истиқлол”, “Цементчи” ва  
“Фарҳод” маҳаллалари  
солик инспектори.

**Я**ширмайман, даст-  
лабки фоалийтида  
хонадомна-хонадон юриб,  
аҳолига солик тўловларни  
ўз вақтида тўлашларни  
түшунириш, яширин иқти-  
содиётнинг олдини олиш  
борасида бирор кийинчилик-  
ка дуч келдик. Лекин “маҳал-  
ла етилиги” ҳамкорлигидаги  
фуқароларга солик соҳаси-  
даги ўзгаришлар, тадбиркор-  
ларга яратилаётган имтиёз  
ва имкониятларни тўғри  
түшунириш оркали икобий  
натижаларга эришик.

“Маҳаллабай” ишлаб мен  
учун жуда кизикарли, сама-  
рали бўяпти. Аҳоли билан  
доимий мулокотда бўлиб,  
кўшишма даромад топиш  
манбаларини излаяпмиз.  
Хар куни тушдан сўнг соат  
17:00ларда хонадомна-хо-  
надон юриб, фуқароларнинг  
мол-мулл ва ер соликлари-  
дан карздорлигини унди-  
риш чораларни кўялимиз.  
Куонварлиси, тушунириш ва  
тарғиботларимиз натижасида  
аҳолининг солик тўлаш  
маданияти анча ошиди. Бугунги  
кунда учта маҳаллада 1 369



66  
Мадина Холматова  
Тошкент вилояти  
маҳаллаларидағи  
эн ёш солик  
инспекторларидан  
бира. Яқинда у  
самарали фаолияти  
учун вилоят солик  
бошқармаси  
томонидан  
такдирланди.

нафар мол-мулл ва 1 273  
нафар ер солик тўловчиси  
бўлиб, хозирда уларнинг  
60 фоизи соликларни тўлаб  
бўлишиди. Солик тушумлари  
йтган йилнинг мос даврига

нисбатан 150 фоизга ошиди.  
Июн ойининг ўзида маҳал-  
лий бюджетга режадаги  
117 миллион сўм ўрнига  
155 миллион сўм тушинни  
тамъинладик. Бу жаҳонда  
солик тушумларининг  
10 фоизи маҳалла бюджети  
“деколиши ва шубъи  
маблағлар маҳалланинг  
иккимой-иккисодий муам-  
моловини ҳал этишига йўнал-  
тирилаётгани одамларда  
рағбат ўйнотяти.

Маҳаллалар аҳолиси,  
асосан, “бекобод метал-  
лургия комбинати” ҳамда  
“бекобод” цемент заводида  
мехнат қиласиди. Айримлари  
дехқончилик, бодорчилик,  
чорвачилик билан шуғул-  
ланади. Кўшичма равишда  
машини хизмат кўрсатиш,  
чакана савдо, новвойчилик  
ва тикувчилик ривожланяти.  
Ўзин узи банд қилган 1 588  
нафар фуқаронинг аксарияти

тикувчилик, дехқончилик ва  
чорвачилик билан банд. Хо-  
зирда хотин-қизлар ўртасида  
онлайн савдо билан шуғулла-  
наётганлар сони ортапти.

Бугун ишлайман, деган  
одамга имконият, “маҳалла  
еттилиги” каби яқин кўмак-  
чиси бор. Факат конуний иш  
юритса, бас. Шу боис бўлажак

66  
Буғунги кунда  
“Истиқлол”,  
“Цементчи” ва  
“Фарҳод” маҳалл-  
ларидаги 30 та юри-  
дик шахс, 28 нафар  
якка тартибдаги  
тадбиркор бор.

тадбиркорларга солик ко-  
нунчилигини тушунириб, он-  
лайн назорат-касса машина-  
ларидан мунтазам фойдала-  
ниш, ишчи-ходимлар сонини  
яшимаслик, хисобларни  
ўз вақтида топшириш, камчи-  
лик ва хатоликларга йўл кўй-  
масликларини тушунириб келяпман. Маслаҳатлари-  
мизга амал килганилар яхши  
даромад топиб, соликларни  
ўз вақтида тўлаяти. Маса-  
лан, Акбар Мирбобеев олдин  
бир фирмада хайдовчи  
бўлиб, хорижий давлатларга  
юк таширид. Йўл-йўрик ва  
маслаҳатларимиз асосида  
кредит олиб, ўзининг “Gold  
logistica” фирмасини ташкил  
этди. Бугун у ўзининг 3 та  
юк ташувчи автомашинаси-  
га эга. Ойлаб – уч нафар  
фарзанди билан буюрталар  
асосида чет эл давлатларга  
турли хизматларни ташиб,  
яхши даромад топляти.

Максадимиз – ҳар бир  
фуқаронинг муаммосини  
маҳалланинг ўзида ҳал этиш.  
Июн ойининг ўтган 10 куни  
давомида иккى нафар фуқа-  
рога тадбиркорлик субъекти  
сифатида давлат рўйхати-  
дан ўтиб, иш бошашига  
ҳамда моливий қийинчилик  
сабаб вақтина фаолиятини  
тўхтатган бир нафар тадбир-  
корнинг кайта иш бошашига  
кумлашади.

Ҳали қилинадиган ишлар  
кўп. Биринчи навбатда, бўш  
турган ерларда бодорчилик  
соҳасини ривожлантириши  
режалаштираймиз. Шу-  
нингдек, турли йўналишда  
тадбиркорлик субъекти  
сонини кўйлайтириб, солик  
тушумлари ва тадбиркор-  
ларнинг тоба айланасини  
ошириши ўйлаймиз. Шу  
тарика “маҳалла бюджети”  
кенгайиб, маҳаллалар обод-  
лиги таъминланади, икти-  
мой-иктисодий муаммолов  
бартраф этилиб, аҳоли  
фарононлиги юксалади.

### КУЛАЙЛИК

## Равон йўллар — обод манзиллар кўрки

Тошкент вилоятида аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш  
ҳамда уларга қуай шароитлар яратиш бўйича тизимили  
чора-тадбирлар давом этмоқда. Бироқ аҳоли мурожаатлари  
орасида кўп учрайдиган масала – ички йўлларга  
шағал ётқизиш ҳамда асфальтлаштир.



Абдулазиз МУСАЕВ,  
журналист.

III уни эътиборга олиб, давлат  
томонидан ажратилган  
70,7 миллиард сўм маблағ хисобига бу  
йил жойлардаги 172,2 километр ички  
йўллар асфальтлаштирилди. Яна 23,1 ки-  
лометр узунликдаги ички йўллар ҳашар  
йўли билан шағаллаштирилди.

Айниска, “Ташаббули бўйдже” нинг  
жорий йил 1-мавсуми доирасида ҳудуд-  
ларда ички йўлларни асфальтлаштириш  
ишлари жадал суръатда давом этти.  
Хусусан, Қиброй туманидаги “Кипчок”  
маҳалласида ҳам ички кўчаларни обо-  
донлаштириш ишлари олиб боримоқда.  
Бу маҳалланинг 3 километрга яқин ички  
йўлларига янгидан асфальт ётқизилип.

Бу эса аҳоли учун қуай транспорт ха-  
ратини таъминлаш, йўллarda хавфзис-  
лики ошириш ва турмуш шароитини  
яхшилаш хизмат киласди.

Бундан ташкари, Вазирлар Маҳ-  
ка масининг “Шаҳарлар ва бошқа аҳоли  
пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжа-  
лик йўллари инфратузилмасини янада  
такомиллаштириш тўғрисидаги қарори  
ижроши доирасида ҳудудларда кўча ва  
йўлларни таъминлаш чоралари кўрил-  
яти. Биргина Бўстонлик туманида аҳоли  
учун қуай яшаш шароитларини яратиш  
максадида катор инфратузилма лойхал-  
лари амалга оширилди. “Марказий”,  
“Наврӯз”, “Намуна” маҳаллалари қўчал-  
рига асфальт қолпамаси ётқизили.

Умуман олганда, амалга оширилаёт-  
ган бу каби сайдъ-харакатлар аҳоли учун  
муносиб турмуш шароитларини яратиш  
га замин бўлмоқда.

### ХАБАРДОРМИСИЗ?



## МАРКИРОВКАЛАНГАН МАҲСУЛОТНИ ҚУЙИБ СОТГАНГА ЖАЗО БОРМИ?

Хозирги кунда маркировкаланмаган алкоголли  
маҳсулотлар, сув ва салқин ичимликларни реали-  
зация қилиш Солик кодексининг 227<sup>1</sup>-моддасига  
асосан хукуқбузарлик ҳисобланади.

Аҳмад ФАЙЗИЕВ,  
Солик қўмитаси товарларни маркировкалаш  
назорати бўлум бошлиғи.

III у билан бирга, маркировкаланган алкоголли  
маҳсулотлар, сув ва салқин ичимликларнинг  
кисман сотугча чиқарилishi (қуйиб сотиш)ни тўғри х



Сингапурликлар учун Ўзбекистонга ТҮГРИДАН-ТҮГРИ ЧАРТЕР РЕЙСЛАР ташкил этилади.



Сурхондарёда учта – “ОМОНХОНА”, “САНГАРДАК”, “ОБИХАЁТ” туристик марказлари барпо этилади.



6 ойда БОЛАЛАРГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛГАН ЗЎРАВОНЛИК ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши ҳамда 5 та маъмурӣ иш қўзғатилди.

6

№57 | 2025 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

**Mahalla****ҚУМАК****ИШОНЧ ВА ҚАДРИЯТ ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТ**

Ўрта Чирчик туманинаги “Дўстлик” маҳалласида 3 468 нафар аҳоли истиқомат қиласи. Бу худудда 1 040 та оила, 648 та хонадон бор. 74 нафар фуқаро ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги  
Тошкент вилояти бошқармаси  
матбуот котиби.

**Й**ил бошидан бўён 200 дан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 80 фойздан ортиғи ижобий ҳал этилган. Бу ижтимоий ҳимоя тизими амала ўзини оқлаётганини кўрсатади. Хусусан, маҳаллада фаoliyati юритаётган ижтимоий ҳодим Раёно Ибрагимовнинг фидокорона меҳнати эътиборга молик.

– Касбийдан фахрланаман. Давлаттимиз яратиш берадиган имкониятларни ўз вактида ва тўғри етказиши орқали муҳажжалар ҳәттига ёруғлик олиб киришга интиламиз, – дейдӣ Раёно Ибрагимова.

Шундай ёндашув самарасини II гурух ногиронлиги бўйиган шахслар рўйхатида турувчи Ҳайитулло Исмоилов ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин. У тадбиркорка бирктирилиб, уйда кўзикорин етиширишга қўшилишни бошлади.

Шу билан бирга, фуқарога протез кўл олиб берилди. Бу нафакат тийбий ёрдам, балки инсонийлик, эътибор ва жамиятга қўшилиш йўлидаги муҳим кадам бўлди.



– Авваллари жамоат жойларига чиқишдан хижолат бўйардим, – дейдӣ Ҳайитулло Исмоилов. – Энди эса протез кўл туфайли бемалол юрибман. Маҳалладаги ижтимоий ҳодим ва ҳоким ёрдамчисининг тақлифи билан кўзиқорин етишириш ишини мини-лойҳа сифатида бошлаган эдим. Бугун фаолиятимни кенгайтириб, иккى ой ичидаги 25 миллион сўндан ортиқ даромад олдим. Декончиллик килиб кам бўймавман, хотто кўшилирмага ҳам бу ишини ўргатаман.

Бундай ташабbusлар ижтимоий ҳимоя тизимининг инсон ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар ясаши мумкинлигини кўрсатади. Бу факат моддий қўмак эмас, ишонч, қадрият йўлидаги ҳаракатdir.

**ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ****Тушкунлик ўрнини ҳаракат, ғам-ташвиш ўрнини орзулар эгаллаган**

Бир неча йил фарзанд тарбияси билан бўлиб, уйда ўтиришимга тўғри келган. Ташқаридан қараган кишига ўй бекаларининг қиласидан иши йўқдек туюлиши мумкин. Аслида, биз аёлларнинг юмушимиз тугамайди. Бу ҳам етмаганидек, одамлар билан мuloқotning камлиги кишини жамиятдан ажralиб қолгандек ҳис қилишига сабаб бўлади.

Мастура МИРВАЛИЕВА,  
Уйчи туманинаги “Аҳси” маҳалласи  
ижтимоий ҳодими.

**М**аҳалла тизимида фаoliyati бошлаганимда, биринчи навбатда, ўзим каби уйда бекор ўтирган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдим. Уларнинг кечинмалари, хоших-истакларини чукур

англаб етганим ҳолда имконият ва вазияти қарабир қанчасининг ғандилигини таъминлашга кўмаклашдим. Шароит тақазоси билан ишлай олмаётгандарни турли тадбир ва учрашувларга жалб киляйман.

Аёллар билан қанча кўп гаплашсангиз, шунча дарду ташвишлари унун бўлади. Бирозигина кўйлаб-куватлаш ва руҳлантариш эса олдига янги орзу-максадлар кўйиб яшашига туртки беради.

Бунга тажрибамдан гувоҳман.

Айни вақтда ҳудудимизда 3 295 нафар аҳоли истиқомат қиласи. Уларнинг 84 нафари ногиронлиги бўлган кишилар. “Камбағал оиласлар реестри”га кирилган 40 та оиласининг басини рўйхатдан чиқаришга эришдик. Хусусан, II гурух ногиронлиги бўлган Наргиза Одилжонова турмушидан ёхрасиб, ота уйига тажриб келиб, анча тушкунликка тушиб қолади. Ҳатлов жараённида унинг холатидан хабар топиб, аввало, психологиясиз ёрдам кўрсатиди. Олиб борилган машғулотлар аёлнинг руҳий ахволини анча енгиллаштириди. Шундан сунг аввал машғул бўлган чеварчилик фаолиятини давом этишири учун хоким ёрдамчиси тавсияси билан тикив машинаси тақдим этилди. Бир нафар фарзанди учун болалар нафақаси тайинланди. Қизиқишидан келиб чиқиб, спортнинг

шашка турига жалб қилинди. Тез орада фуқарога ижтимоий ўй ажратиш режалаштирилган. Елкадошлик хисси ва кўйлаб-куватлов натижаси уларо, Наргизанинг ҳаёти тубдан ўзгади. Энди тушкунлик ўрнини ҳаракат, ғам-ташвиш ўрнини орзу-максадлар эгаллаган.

Ийл бошидан бўён 24 та кейс очилган бўлса, уларнинг ҳар бирни бўйича алоҳида ёндашув асосида ўз кўришга тўғри келди. Жумладан, I гурух ногирони бўлган Марғуба Эргашеванинг кўриш билан боғлиқ муаммолари бор. Шу боси угна овозли танометр ва овозли термо-метр берилиди. Санаторийга навбатга кўйилди ва тез фурсатда саломатлигни тиклаш имконига эга буди. Фуқарога келинини қаровчи сифатида бириткириш орзли бир аёлга меҳнат стажи ёзилишига эришдик.

Қайси хонадонга кириб бормайлик, кимга ҳизмат кўрсатмайлик, барча бугунги ижтимоий ҳимоя тизимидан миннатдор. Бирозигина берилиган имконият ахолининг турмуш тарзини бунлай ўзгаришига замин яратмокда.

Жорий йилда кичик лойҳа сифатида ишсиз хотин-қизларнинг бандаригини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Тадбиркор Ҳидоят Отабоева уйда ташкил этган тикувчинлик корхонаси бу борада бигза катта кўмак беряпти. Хозирги кунда у 12 нафар опа-синглизмизинг севимили машгулоти билан шуғуланишига имкон яратиб берган. Колаверса, шу хонадоннинг ўзида ташкил этган хусусий мактабгача таъмин ташкилоти ёш болали аёлларнинг фарзандларини бағрига олиб, оналарнинг хотиржам меҳнат қилишига шароит яратиб беряпти.

Яшаётганимиз ахборот замонида маълумотларни юритиш учун онлайн платформалар ташкил этилган. Лекин уларнинг кўплиги айрим тушунмовчиликларни юзага кептиратгани ҳам рост. Бу муаммони бартараф этиш учун, аввало, мавзу доирасидан ўқув машғулотлари ташкил этиш масада мувофиқ. Колаверса, платформалар содда ва ягона шаклга кептирилса, ишлаш янада осон будади.

**ЖАРАЁН****“Файратли кексалар”да ғайрат ҳали сўнгани йўқ**

Алишер Навоий номидаги кутубхонада Шайхонтохур тумани маҳаллаларида яшовчи нуронийлар ўртасида “Файратли кексалар” шиори остида шахмат-шашка мусобақаси бўлиб ўтди.



Марям АҲМЕДОВА,  
журналист.

**С**порт саломатликни мустаҳкамлаш, ҳаёт завки, руҳий бардамлик ва жисмоний ҳаракатларни оширишга хизмат киласи. Умрни узайтиради, яшашга меҳнат килишига бўлган интилишни кучайтиради. У, аввало, оммавий равиша соғлом турмуш тарзини тарғиб этишида энг яхши воситадир. Президентимизнинг “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама кўйлаб-куватлаш ва шахмат-шашка мусобақаси”ни оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидан қарорига асосан, маҳаллалардаги ёшу кексалар ўртасида спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини шакл

лантиришга эътибор қаратилияти.

“Файратли кексалар” шиори остида мусобақада юз нафарга яқин нуроний иштирок этиди.

– Соғлом турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган бундай спорт мусобақалари маҳаллалар нуронийларни ўртасида мунтазам ўтказиб келинмоқда, – дейдӣ “Нуроний” жамғармаси Шайхонтохур тумани бўлуми раиси Равшон Обидов. – Дастанлаб нуронийлар ўртасида “Фаҳри кексалар – ёшлар келакага”, “Спорт – саломатлик гарови” каби турнирлар ўтказилган бўлса, хозирда шахмат-шашка, бадминтон, стол тенниси каби беллашувлар йўлга кўшилди.

Шахмат-шашка мусобақасиға голиблини кўлга киритган нуронийларга медаллар, фахрий ёрлиқ ва сонялар топширилди.

**МАНЗАРА****МОДДИЙ ҚЎМАК МУСТАҚИЛ ШАХС БЎЛИШГА ИМКОН ЯРАТДИ**

“Камбағалликдан фаронлик сари” дастури орқали мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ижтимоий хизматларни кўрсатилиши йўлга кўйилган. Ушбу дастур нафақат моддий ёрдам, балки касбга йўналтириш, бандлники таъминлаш, психологияк ва ҳуқуқий қўмак бериш орқали оиласларни оғир ижтимоий ҳолатдан олиб чиқиша мухим пойдеворга айланмоқда.

**Б**ухоро вилоятида ҳам бу борада тизимили ишлар олиб борилмоқда. Вилоят бўйича ҳозирги кунгача 21 минг 767 та оила “Камбағал оиласлар реестри”га кирилган. Улар ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб “кизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилган. Ҳар бирни алоҳида кўйилган. Ушбу кундаги тизимили шебринга белgilab кўйилган.

Айниқса, оғир ижтимоий ва зияядат яшаётган ёшлар ва болали оиласларни кўйлаб-куватлаш масаласига алоҳида эътибор каратилмоқда. Кўйида шундай оиласлардан бирни – Гулруҳ Аҳмедова

мисолида бу тизим қандай ишлаётгани ҳақида тўхталиб ўтмоқимиз. Бухоро туманинаги “Анжирбог” маҳалласида яшовчи Гулруҳ Аҳмедова – тўрт фарзанднинг онasi. Болаларининг иккى нафари эзигак бўлиб, уларнинг парвариши аёлнинг асосий машгулотига айланган. Узоқ вақт давомида ҳеч кеърда ишлай олмаган Гулруҳнинг оиласий таъминоти факатига турмуш ўтргонининг маошига боғлиқ эди. Бу эса хонадон вакилларининг кундаклик эхтиёжини тўлиқ қоллашга имкон бермасди.

Шундай мураккаб вазиятда Гулруҳ маҳаллага мурожаат қилди. Махалла ижтимоий ҳодими Нодира Севинова билан ўтказилган сухбатдан сўнг фуқаро ижтимоий хизматларни тизимига жалб қилинди. Натижада улар “Камбағал оиласлар реестри”га кирилтилди. Фарзандларига бола нафақаси тайинланади.

Болалари имтиёзли тартибида мактабгача таълим мусассасига жойлаштирилди. Реферал хизматди. Болалари имтиёзли тартибида мактабгача таълим мусассасига жойлаштирилди. Гулруҳга тикив машинаси олиб берилди.



Берилган ёрдам сабаб оиласи ижтимоий мустақилларни таъминлашга хизмат киливчи мини-лойҳа йўлга кўйилди. Ушбу ташабbus Гулруҳ ва ижтимоий ҳодим Нодира Севинованинг биргаликдаги сави-ҳаракатлари натижасидан амалга оширилди.

Эндиликда Гулруҳ Аҳмедова нафақат ўз оиласи учун кўшимча даромад топти, балки маҳалладаги бошқа оғир ахволдаги оиласлар фарзандларига тикувчилик касбига бепул ўргатти. Бу орқали у ижтимоий жихатдан фуқарога айланди.

Давлат томонидан йўлга кўйилган “Камбағалликдан фаронлик сари” дастури фуқароларга моддий қўмак бериш баробарида уларни жамиятга қайтириш, салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳунарли, мустакил шахсга айланшига кенг имкон яратмоқда.



**ХУКУМАТ ҚАРОРИ  
БИЛАН "Лифтларни  
техник кўриқдан ўтказиши  
тартиби тўғрисида"ги  
Низом тасдиқланди.**



**Эндилиқда  
инфратузилма  
объектларини қуришда  
МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ  
ВОСИТАЛАРИ жорий  
етилади.**



**Наркологик  
касалликка йўлиқкан  
маҳкумларга  
МЕХНАТ ТЕРАПИЯСИ  
қўлланиши мумкин.**

## Оғир вазиятларда елқадош бўлдик, машакқат чекинди, умид уйғонди



Бугун эрталабдан буён 40 нафарга яқин хотин-қиз билан сұхбатлашдим. "Аёллар дафтари"га кирилган опа-сингилларимизга давлат тақдим этган бир марталики ёрдан пулларини тарқатиши асносида уларнинг ҳар бири билан дилдан сұхбат курдим. Одатда, жони учрашувлар вақтида аёлларнинг кифайти ва ўй-хаёлларини яқиндан урганишга ҳаракат қиласаман. Бу келгусида мақсад ва режаларимни тўғри тузишига ёрдам беради.

Замира ИМОМОВА,  
Бектемир туманидаги "Устозлар"  
ва "Нурий йўл" маҳаллалари  
хотин-қизлар фаоли.

рини тебратеётганлар анчагина.  
Хусусан, Хамида Носирова  
2023 йилдан бери бир-бираидан  
мазали пишириклар тайёрлаб,

сармоя кирилади. Шу маънода  
бугун хотин-қизларга кўмак  
бериш тизимида алоҳида ётибор  
қаратилипти.

Биз ҳам "еттилик" вакиллари  
билан маҳалламиздаги опа-сингилларимизнинг кифайтини  
кўтаришига ҳаракат қилимиз.  
Жорий йилда "Аёллар дафтари"га  
кирилган хотин-қизларнинг бир  
неча нафарини Бўстонлик тумани  
надаги сўлим дам олиш маскан-  
ларига олиб бордик. Колаверса,  
хеч қандай қасб-корга эга бўл-  
маганларни ўқитмизиз. Имтиёзли  
кредит бериб, тадбиркорлигини  
йўлга кўйишга имкон яратмиз.  
Субсидия асосида тақдим этила-  
ретган зарурӣ маҳсулотлар эса  
аёлларнинг севимли машгулоти  
ортидан даромад топишига ёрдам  
беряпти.



Аёлларни кўллаб-куватлаш  
оилалар фаровонлиги ҳамда  
мустаҳкамлигини тавминалашда  
кatta аҳамият қасб этади. Кўлида  
хунари бўлган, ўз даромадига  
эга киши ўз қарашлари ва эркин  
фикрга эга бўлади. Фарзандла-  
рининг таълим-тарбияси учун

## АМАЛИЙ ЁРДАМ ТУФАЙЛИ РЎЗГОРИ БУТ, ТУРМУШИ ТЎКИС

Мамлакатимизда ижтимоий аҳволи ва турмуш  
шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган  
хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш  
ва уларга давлат томонидан манзилли тарзда кў-  
маклашиб тизими – "Аёллар дафтари"нинг жорий  
қилингани хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал  
килишда муҳим омил бўлмоқда.



Моҳигул ҚОСИМОВА,  
журналист.

2 025 йил бошида Фарғона вилоятида "Аёллар дафтари"-  
нинг б-босқичида уйма-уй олиб борилган ҳатлов жараён-  
ларида 111 минг 778 нафар хотин-қиз рўйхатга олинди. Бунда  
хеч бир ижтимоий химояга мухож хотин-қиз четда колиб  
кетмаслигига алоҳида ётибор берилди.

Данғара тумани "Навбахор" маҳалласида яшовчи Аломатхон  
Эркинова ўрганишлар давомида "Аёллар дафтари"га олинган  
эди. Гарни қўлида хунари бўлса-да, фаoliyatiни кенгайтириша  
имконияти етмаётганди. Унга тадбиркорлигини бошлаш учун  
банкдан 30 миллион сўм кредит ажраттиди. Бу маёбзга эвазига  
Аломатхон 5 та тикив машинасини харид килди. Олдига чевар-  
чиликдан болалар ва аёллар кўйим-кечагини тикиши бошлади. Буортмалар  
асосида болалар ва аёллар кўйим-кечагини тикиши бошлади.  
Айни пайдай у билан 7 нафар хотин-қиз меҳнат килмоқда.

Бағдод тумани "Чўли Юнус" маҳалласида яшовчи Мўтабар  
Исокова ҳам "Аёллар дафтари"га кириб, кўрсатилган ёрдам сабаб  
хачти яхши томонга ўзгари. Банк ажратган 27 миллион сўм  
кредит ишини бошлашга асқатди. Ушбу маблагта тикив машиналари  
ситоб олди. Олдига шогирлар йиғди. Уларга хунар ўргатди.  
Мана хозир у билан 5 нафар хотин-қиз елкама-елка ишлаб,  
асло кам бўлаётгани йўқ.

Олияри тумани "Чўли Юнус" маҳалласида яшовчи Дирибахон  
Баратова ҳаммада хоҳтабида "Аёллар дафтари"га олинган  
бандилги ташкилга ўзгари. Бугун унинг тикив цехида 15 нафар аёлнинг  
хамониши ташкилланган. Хонадонма-хонадон ўрганишлар чоғи-  
да Дирибахон Баратова "Аёллар дафтари"га олинган эди. Кўли-  
дан бинойицек тикиши-бичиши келадиган бу аёл банк ажратган  
маблаб хисобига, тадбиркорлигини йўлга кўйди.

– Айни пайдай мавсумий кийим-бошлар тикиб, шини бозор-  
ларга маҳсулотлар етказилмиз, – дедай Дирибоб Баратова.

– Ҳозирда кўшини Қозогистондан буортмалар олиб, маҳсулотла-  
римизни ташкил бозорларга ҳам етказиб беряпмиз.

Кайд этилганидек, жорий йил бошида 111 минг 778 нафар  
хотин-қиз "Аёллар дафтари"нинг б-босқичига рўйхатга олинган  
бўлиб, бугунга кадар уларнинг 97 минг 667 нафарига амалий  
ёрдамлар кўрсатилди.

Аммо айрим туман ва шахарларда "Аёллар дафтари"га ки-  
рилган хотин-қизларга амалий ёрдам бериш ишлари бирор  
орқада колаётгани ҳам рост. Уларнинг хайётдан умиди катта  
экани, амалий ёрдамлар орқали рўзгорини бус-бутун килишга  
иштиёқи баланд. Шундай экан, ислоҳотлар янада кенг кулоҷ  
ёзишига умид қилиб қоламиз.

## Таълим олиш ҳуқуқи барча учун тенг

БИЛАСИЗМИ?



Рўҳий, ақлий  
ривоқланишида,  
қўришида, эшиши  
да нутқида  
нўқсони бўлган  
болалар, шунингдек,  
таянч-ҳаракат аппа-  
ратида нўқсони бор  
болаларни таълимiga  
камраб олиш жара-  
ёнда ота-оналарни  
ва болани сансалор-  
лик ва бошقا ҳар  
қандай тўсиклар-  
дан холи қилиш  
мақсадида психо-  
логик-тиббий-пе-  
дагогик комиссия  
ташкил этилган.

Комиссия ўз фаолиятини  
холислик, ошкорларни ва  
бамаслаҳат ишлаш тамоиллари  
асосида юридин шахса макомисиз,  
доимиюл олиб бормоқда.

Буғунги кунда болалар комиссия  
хуласаси асосида шаффоғ

шаклда кўп тармокли мактабгача  
тавлим ташкилотларига, махсус  
мактаб интернатларига, фамхўрлик  
ва кундузги парвариши гурӯхларига  
ҳамда умумтальим мактабларидаги  
инклиюзив синфлар ва боғчалардаги  
инклиюзив гурӯхларга жалб этиб  
келинмоқда.

Буғунги кунда болалар комиссия

## Ажрашишлар сони камаймокдами?


Юртимизда азалдан оила муқаддас қўрғон сифатида  
эъзозланган. Зеро, инсон қалбида ахиллик, меҳр-оқибат  
туйғулари, илм-маърифатга ошно бўлиш кўнижаси,  
аввало, шу даргоҳда шаклланади.

Назокат УСМОНОВА,  
журналист.

Бош қомусимизда оила жамиятнинг асоси бўғи-  
ни, деб белгиланган замирда ҳам ана шу миллий қадрятларни  
мазмунни мухассам. Мазкур масаласа давлатимиз раҳбарининг  
доимиюл ётиборида. Бу йўна-  
лишида қабул қилинаётган ҳар бир хужжат негизидаги оилаларни  
мустаҳкамлаш, уларни ҳар томон-  
лами кўллаб-куватлаш назарда  
тутилган.

Кейнги йилларда ажрашишлар сони кўлаймокда, ёшларнинг  
оила ҳақидаги билимлари етари  
эмас, деган фикрлар бот-бот ку-  
локка чалингти. Хўш, бу фикрлар  
качалик асосли?

Роҳамларга мурожаат кила-  
миз. Миллий статистика қўмитаси  
маълумотларига кўра, 2024 йилда



Таҳлилларга кўра, ни-  
коҳдан ажрашишларга,  
асосан, учинчи шахс ара-  
лашви, фарзандсизлик,  
никоҳланувчиларнинг  
оилага тайёр эмаслиги ва  
узок вақт бир оила бўлиб  
яшамаслик каби жиҳат-  
лар сабаб бўлмоқда.




лик" дастури ишлаб чиқилди.  
Мазкур дастур орқали турмуш  
куриш арафасидаги ёшлар, ёш  
ота-оналарнинг иктиносидӣ, пси-  
хологик, тиббий, манъавий-мав-  
рифий билимларини бойитиш  
назарда тутилган. Ушбу дастур  
асосида маҳаллалар, меҳнат  
жамоалари, таълим мусасаса-  
ларида семинар-тренинглар

материаллари, соғлом авлодни  
тарбиялаш, оилаларнинг демогра-  
фик хуқ-атворига хос хизматлар  
ҳақида маълумотлар жойлашти-  
рилган.

"Оилавий қадрятларни мус-  
таҳкамлаш" веб-платформасига  
5 та йўналишида 100 га яқин  
маънавий қадрятлар ҳақида  
маълумот берувчи "Оилавий қад-  
рятларни тизими асосида "Янги  
Ўзбекистон" – кўп миллатли оила"

руни, дунё мамлакатларидаги  
оилавий қадрятлар таҳлили,  
инфографикалар ва фойдали  
ресурслар кирилтилган.

Холоса килиб айтганда, оилаларни мустаҳкамлашга қартил-  
ган институционал, ҳуқуқий ва  
ахборот технологик ёндашувлар  
фуқаролар онгига мусынниятли  
никоҳ ва баркарор оилавий муно-  
сабатларни шакллантиришга хиз-  
мат килмоқда. Мақсад эса ягона –  
юртимизда фаровон оилалар сони  
куйпайсан, уларда жамият риво-  
жига хисса кўшадиган баркамол  
авлодлар улғайсан. Зеро, оилалар  
фаровонлиги ҳар бир давлатнинг  
энг катта бойлигидир.



**ЭЛДОР ШОМУРОДОВ**  
Туркияning  
“Истанбул Башакшехир”  
клубида ижара асосида  
фаолият юритади.



**АББОС ФАЙЗУЛЛАЕВ**  
Москванинг  
ЦСКА жамоаси билан  
Россия Суперкубогида  
фалаба қозонди.



**СПОРТ**  
**КУРАШЛАРИ БҮЙЧА**  
ёшлар ўртасида ўтказилган  
Осие чемпионатида  
вакилларимиз 1 тадан  
олтин, кумуш ва бронза  
медалларини қўлга  
киритиди.

8

№57 | 2025 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

**Mahalla**

## БИЗ — СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

### САЛОМАТЛИК

#### ЖАЗИРАМАДА ҚОН ҚУЮҚЛАШИШИ ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?

Юртимизда жазирама ёз, чилла мавсуми. Табиики, бундай иссиқ ҳаво сурункали касаллиги бор айrim беморларга қийинчилик туғидради. Қолаверса, юкори ҳарорат кўпчиликда қон қуюқлашишига сабаб бўлиши мумкин. Хўш, бу саломатлик учун қанчалик хавфли?

Орифжон ОРИПОВ,  
Тошкент шахар тиббий маслаҳат  
диагностика маркази директори,  
тиббиёт фанлари доктори.

**K**он — инсон тана аъза ва тўқималарини кислород хамда зарур озука моддалари билан таъминловчи мухим суюклик. У инфекцияларга карши курашиб, ички аъзолар фаолиятида иштирок этади. Қон қуюқлашиши танадаги ани шу жараёнларнинг бузилишига олиб келади. Окибатда яширин касалликлар юзага чикиши ёки янгилари пайдо бўлиши мумкин. Айрим холларда хасталик ёки ташки омиллар сабаб кон таркиби бузилади ва унинг кераганди ортиқ қуюқлашиб кетиши ёки, аксинча, суюқлашиши кузатилади. Унинг қуюқлашиши томирларда кон айланнининг бузилиши ва тромбоэзлар хосил бўлишига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, инсульт ва инфарктга чалинни эхтимолини ортиради. Унинг қуюқлашиши эса кон кетиши, бемор танасида кўкариши ва кон талашлар пайдо бўлишига олиб келади.

Икки ҳолатда ҳам тезда тиббий эҳтиёт чораларини кўриш зарур. Қон қуюқлашишига кўпиник каттик асабиблашиши, қандли диабет, шунингдек ширинликлар, картопка, банан, тұхым, газли ичинмиллар, фаст-фуд ва турли көвурма таомлар сабаб бўлади. Қолаверса, бу холат сабаби суюқлик ичиш, ҳаво ҳароратининг кўтиларини туфайли ҳам юзага келади.

Жазирамада қон қуюқлашиши тананинг сувзисланлишига боғлиқ. Иссик ҳавода тер билан танадаги сув булганинг кетади. Бу — қоннинг қуюқлашиши, унинг айланмана ҳаракати кийинлашиши ва тромб хосил бўлиши ҳаффини оширади. Натижада инсона бош оғриғи, жиззакилик, тушкунлик, хотира пасайиши, ҳолсизлик, уйқучанлик, кўл ва оёклар совқотиши, оғиз куриши кузатилади.




Юрак тез уриши, нафас қисиши, тананинг турли кисмларida кўкаришлар пайдо бўлиши ва тирнок шакли ўзгариши мумкин. Ҳатто мияга кон юхи этиб бормаса, бош айланни, ҳущдан кетиш эхтимоли ҳам мавхуд.

Бу салбий ҳолатлар эса томирларда кон айланнининг бузилиши ва тромбоэзлар хосил бўлганидан дарак беради. Окибатда инсульт ва инфаркт ҳаффи ортади.

Иссик ҳавода қон қуюқлашишига йўл қўймаслик учун етарли миқдорда суюқлик ичиш зарур. Энг яхшии, табии тоза сув хисобланниб, салкин ва ачиқ бўлмаган чой ҳам ичиш мумкин. Бироқ газланган ичинмиллар асло мумкин эмас.

Кон ҳолатини текшириш учун шифокорга муроҷаат килиш мақсадга мувоғиф. Агар тиббий текширувlarдан сунг унинг қуюқлиги мезёрдан ортиқ экани маълум бўлса, зарур муолажалар тайинланади.

Бироқ қоннинг суюлтирувчи дороши ворисатарини ўзбошимчалик билан қабул килиш мумкин эмас. Сабаби, унинг ҳаддан ортиқ суюқлашиши жароҳатларда қоннинг тўхтамай колишига олиб келиши мумкин.



Арқон билан сакрашни, эҳтимол, сиз болалиқдан биларсиз. Аммо бу оддий буюмнинг ёрдами билан озиш мумкин. Бунинг учун бир нечта қоидаларга риоя қилиш кифоя. Жисмоний юкламалар юрак-қон томир тизими учун ҳам, ортиқча вазндан холос бўлиш учун ҳам жуда фойдали.

Умрзоқ ФАХРИДДИНОВ,  
спорт мураббийи.

**Y**ишиб қисмий ғаоллик ҳар қандай кардио машгулотларига қараганда соатига кўпроқ калория йўқотишга ёрдам беради. Арқонда сакраш нафакат ёғни йўқотади, балки мушакларни кучайтиради, чидамлиники оширади. Тўғри техника билан машк килсангиз, сезиларида разжада вазн йўқотишнинг имкони бор.

**ВАЗН ЙЎҚОТИШ УЧУН ҚАНДАЙ САКРАШ КЕРАК?**  
Биринчи навбатда, тик туринг, оёқларни елкангиз кенглигига очинг, арқонни оёқлар оркасига кўйинг. Сунгра арқонни бир ҳардатда олдинга тортиш учун

қўлларнингиздан фойдаланиб, уни тиззалингиз орасида бўлиши учун кўлларнингизни бирор юқорига кўтaring. Арқондан сакраб ўтишдан олдин унинг қаेरда эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун бу ҳаракатни бир неча марта тақоррола кўтaring. Арқон бир марта айланниб келиши учун қанча вақт кетишига эътибор беринг. Шунда арқон бошингиздан ўтгандан кейин одатдагидек сакраб ўтишнинг мумкин. Уни самарали ўзлаштирганингиздан сўнг, давом этинг.

**ҚАНЧА САКРАШ КЕРАК?**  
Озиш учун ҳар куни машк қилинг. Биринчи машгулот 1-2 дакикадан ошиласиги керак. Ҳар 3-4 кунда икки дакика кўшинг. Тезликни кузатиш мумкин, дастлаб у минимал бўлсинг. Шу тарзда

машқ қилиш оркали сиз нафакат вазн йўқотасиз, балки тананинг барча мушакларининг ўйғунлигини оширасиз, оёқлар, бодиларни мустаҳкамлайсиз, ҳолатни мувоғилаштиришини, мувозанат хиссини, чақонликни яхшилайсиз.

**САКРАШ ТЕХНИКАСИ**  
Арқонда сакрашдан юкори даражада фойдаланишининг энг яхши ва самарали усули — уни севимли машгулотлар рўйхатига киритишади.

**1-ҚАДАМ:** 30 сония давомиди бир текисда сакраш. Бу тасаввур кигландан кўра кийинрек бўлиши мумкин. 60 сония дам олинг, кейин яна 30 сония сакранг. Бу ҳаракатни 9 марта тақорроланг.

**2-ҚАДАМ:** 30 сония давомиди доимий ривашда сакраб туринг, оёқларни алмаштиринг, турли оёқларда оғирлиги ўзгартирниши машқ қилинг. Тақорролашлар орасида 90 сония дам олинг. Бу ҳаракатни эса 4 марта тақорроланг.

**3-ҚАДАМ:** машкни арқон комбинацияси билан якунланг. 30 сония енгил сакранг, 30 сония тез сакрашни амалга оширишдан олдин атиги 12 сония танаффус қилинг.

12 сония дам олинг ва 30 сония сакрагандан сўнг яна дам олинг. Машкни 30 сониялик кучли сакрашлар билан якунланг.

Қанчалик кўп арқонда сакрашни машқ қиласангиз, ҳолчалик катта таъсир кўратади. Ушбу машгулут анча фойдали, аммо ҳамма учун эмас. Томирлар варизози, ҳаддан ташкири семизлик, тромбофлебит, тизза, оёқ, чаноқ соҳаси жароҳатлари, юрак касалликлари, гипертония ва ялияланиши ҳасталиклиари бор бўлган инсонлар учун мумкин эмас.

Арқонда мунтазам сакраш нафакат вазн йўтиши учун, балки умумий саломатлик учун ҳам кони фойда. Аввало, **юрак фаолиятини яхшилайди**. Жисмоний машаклар пайтида сиз юрак уриш фаолигини одатдагидек юкори даражага оширишга мажбурлайсиз. Натижада юрак ҳасталиги ва инсульт ҳаффи камайди. Ҳеч қандай жисмоний машаклар пархезга риоя киммасдан туриб, корингдаги ёллардан холос бўлиши ёрдам беради. Аммо шунга қарамай, тўғри овқатланиши ва арқонда мунтазам сакраш корин мушакларини хосил қиласди.

### ХИДОЯТ САРИ

#### РБҮРИЕВА.

Самарқанд вилояти:

— Ота-онам мени мажбурлаб эрга бермоқчи. Бола билан кўришдим, негадир кўнглигим фаш бўйиб қола. Ўйдагиларга тушунтиридим, лекин мени эшишишмаяти. Қандай ўйлутсам бўлади?

**РОЗИЛИГИ  
БЎЛМАСА,  
НИКОҲ ДУРУСТ  
БЎЛМАЙДИ**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Динимизда хотин-қизларни мажбурлаб эрга бериш ман килинган. Зеро, никоҳ икки томоннинг розилиги билан тузилади. Жувон бўлса, у билан очичка гаплашилади, бокира бўлса, ундан изн сўралади. Бокира (розилик аломатлари билан) сукут килса, бу унинг никоҳга изн бергани бўлади.

Барча фикий манбаларимизда келин ва куёв ўз розилигини билдириши (ийжоб ва қабул) никоҳнинг асосий руҳни экани баён килинган. Келин-куёвдан бирни никоҳга рози бўлмаса, никоҳ дуруст бўлмайди. Ота-онанинг вазифаси фарзандини бойлик, мансаб ёки бошقا гаразлар сабабли кўр-кўруна уйланниш ёки эрга тегигша мажбурлаш эмас, балки фарзандига жуфт бўлаётган ийгит ёки қизнинг дийнати, хулқ-одобига ва қасб-хунарига эътибор килишади.

Ўз ўрнида турмуш кураётган фарзанд ҳам ота-онасининг тавсиялари ўринли бўлса, қабул килиши, кайсалар кимлай, уларнинг ҳайёт тажрибаларидан фойдаланиши керак.



Хотин-қизларни мажбурлаб эрга бериш ҳолатларида Пайғамбаримиз алайхисаломоннинг аёгла никоҳ ёки эжалишини танлаш ихтиёрини бергандарли мадум. Ҳатто бир ҳолатда киз камбағал ийгитни, ота-она эса бой ийгитни танлагандаги, у зот қизнинг ихтиёрини устун кўйиб: “**Бир-бирини яхши кўрганлар учун никоҳдан яхшиси йўқдир**”, дедилар (Имом Ибн Можа ривояти).

БИЛИБ КЎЙИНГ!



Тўйиб овқатланасиз, лекин барбири очмисиз?  
Бу яшири очлик, деб аталади. Сабаби — бўш калориялар.

**КАЛОРИЯСИЗ  
ОВҚАТ, БУ —  
ОРТИҚЧА ВАЗН  
ДЕМАК**

Бўш калориялар, бу — калорияга бой, лекин танага фойда бермайдиган озиқ-овқатлардир. Фаст-фуд, ширинлик ва газли ичинмиллар калорияга бой, фойдали моддалар эса йўк. Натижада тана керакли озиқларни олди. Ҳолсизлик, иммунитет пасаяди. Ортиқча вазн пайдо бўлади.

Кўп ейсиз, лекин тўймайсиз. Шунинг учун семираваси. Бунинг ечими — бутун донлилар, мева ва сабзавотлар, дуккабилар, ёнғок, бодом, писта-урӯлар истеъмол килишади.

Унутман, сифати овқат — соглом ҳаёт калитидир.

Софлики сақлаш вазирилиги.



**Mahalla**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг иктиномий-сийесий, мъявнавий-матрифий газетаси

Бош мұхаррір:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз Ахмедов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси  
хуzuридан Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2024 йил 7 майда  
№271590 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-йи.  
Газета таҳририят компьютер  
марказида саҳифаланди ва  
оффсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.  
8 570 нусхада чоп этилди.  
Буортма №: Г-720

